

ВАТАНДОР ВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

● 2003 йил, 18 декабрь, пайшанба № 151 (1883).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 18 декабря, 2003 г. № 151 (1883).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

Самарқанд вилояти кенгашининг сессияси

16 декабрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдаги ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, Олий Мажлиси Самарқанд вилоятдан сайланган депутатлар иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади.

— Ҳаммагизга маълум, яқинда Президент фармони билан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келган Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тайинланди. Бу ҳақдаги фармон Олий Мажлисининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган ўн учинчи сессиясида кенг муҳокама қилиниб, тасдиқланди, деди Президентимиз.

Мана шундай қарорга келишимизга сабаб бўлган асосий бир масала эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Уйлайманки, барчамиз бир ҳақиқатни яқин тушунамиз: мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, ислохотларни кенг куламда ва изчил жорий этиш, янги ҳаёт, янги жаҳмиёт куриш йўлида учрайдиган кўпгина муаммоларни ечишда, авваламбор, давлат бошқарувида ҳар қайси идора, ҳар қайси бўғин, қолаверса, ҳар қайси раҳбар ўз ўрни ва масъулиятини чуқур англаган ҳолда ишлаши, ўз ваколати доирасида ўз вазифасини самарали адо этиши зарур.

Бундай талаб авваламбор юқори поғона, яъни Марказда фаолият кўрсатаётган ҳукумат аъзолари ва ҳукумат идораларига, уларнинг раҳбарларига, бугун ҳаётимизда ўтказилаётган ислохотларга бош-қош бўлаётган ва катта ваколатга эга бўлган мугасадди шахсларга тегишли десак, хато бўлмайди. Яъни ҳар қайси туман, ҳар қайси вилоят манфаатини, ҳудудлар олдида турган вазифаларни инкор этмаган ҳолда, энг юқори бўғиндаги бошқарув идораларининг фаолиятини кучайтириш, уларнинг жойлардаги аҳвол ва муаммоларни чуқур биладиган етук кадрлар билан мустаҳкамлаш масаласига биз устувор аҳамият беришимиз зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Содда қилиб айтганда, давлат ва жаҳмиёт, элли бошқарадиган ҳар қайси вазифада албатта ишнинг негизини билладиган, ҳаётнинг бугунги талабларига жавоб бера оладиган, Амир Темур бобомиз таъбири билан айтганда, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиб бўлган, азми қатъий, тadbиркор ва ҳушёр одамларнинг ишлаши катта аҳамиятга эга.

Бунга ҳаммамиз яхши тушунамиз, лекин айни вақтда, ҳар қайси вилоят, ҳар қайси туман ва жойларда ўз фаолиятини билан халқ орасида ҳурмат-эҳтиром қозонган етакчиларни, ҳаёт талаб қилса, юксак вазифаларга йўллашни, уларга оқ фотиҳа беришни шу ерда хизмат қилаётган жамоатчилик ўзи учун шараф, ҳам қарз, ҳам фарз деб билиши лозим, деб ҳисоблайман.

Президент сессия қатнашчилари эътиборини яна бир масалага қаратди. Бугунги кунда ислохотлар ислохот учун эмас, ислохотлар аввало инсон учун, деган гояни биз ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганимизни ҳаммамиз яхши биламиз.

Ҳозирги вақтда халқимизнинг асосий қисми, яъни қарийб 60 фоизи қишлоқда яшайди. Бинобарин, қишлоқ аҳолисининг ташвиш-муаммолари, эҳтиёжларидан хабардор бўлиш ва уларни ўз вақтида ҳал қилиш — барча раҳбарлар, халқ ишонч билдирган сиз, депутатлар ва фаолларнинг асосий бурчи экани ҳақида ортинча гапирishingни ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Айни вақтда бугун қишлоқ ҳўжалигидаги вазият — аввало, кейинги йилларда мамлакат бўйича тупроқ унумдорлиги сезиларли даражада пасайиб, сугориладиган майдонларнинг 50 фоиздан кўпроги турли даражада шўрлангани, умуман, экологиямиз бузилиб бораётгани ва шу каби бошқа огир муаммолар соҳа ривожига нақадар салбий таъсир ўтказиб қолган ҳам барчангизга яхши аён.

Табиий қийинчиликлар, об-ҳаво илжиқликлари ўз йўли билан, аммо бизнинг ишimizга халақит бераётган яна бир қанча субъектив сабаблар, гов-тўсиқлар ҳам борки, бу муаммоларни ечиш учун жойлардаги аҳволни яхши билладиган, минтақаларнинг дарди билан яқиндан таниш бўлган раҳбар ва мутахассисларни жалб қилишимиз керак.

Ўз-ўзидан равшанки, қишлоқ ҳўжалигидаги бундай мураккаб вазиятни англаш учун бу масъулиятли вазифа топширилган одамларга тегишли ваколат ҳам берилиши лозим.

Ҳаёт-мамотимизни белгилайдиган мазкур соҳани бошқариш, қабул қилинган қарорларни изчиллик ва қатъиятлик билан ҳаётга жорий этиш учун бошқариш тизимининг энг юқори поғонасидан энг куйи лавозимигача ишнинг ана шундай хусусиятларга эга бўлган инсонларга топширишимиз зарур.

Босиб ўтган йўлимиз, тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, ҳукуматни бошқарадиган одам бевосита жойларда, минтақа ва ҳудудларда бўлиб, мавжуд аҳволни, у ерлардаги ечилмаган муаммоларни чуқур билиши, уларни ўз ҳаёти, ўз юрагидан ўтказиши, дўнда қилиб айтганда, шу муаммоларнинг қозонда қайнаган бўлиши керак.

Ва бундай билим ва тажриба ана шу масалаларни ечишда ҳал қилувчи роль ўйнаши шубҳасиз.

Юқорида зикр этилган маъна шу омиллар, фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, бу борадаги бугунги ҳукумат сиёсатини ҳақиқатан ҳам кескин ўзгартириш, уни минтақа ва ҳудудларнинг муаммоларига яқинлаштириш масаласини инobatга оладиган бўлсак, шу талабларга жавоб берадиган ҳукумат раҳбарининг айнан минтақадан қўйилишини табиий қонуният, деб қабул қилиш ўрнили бўлади.

(Давоми 2-бетда).

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ ЮРТНИНГ САРА ЎҒЛОНЛАРИ



Маълумки, Мустақиллигимизнинг 12 йиллик тўйида Президентимиз Фармонига кўра, бир гуруҳ ҳарбийларимиз Ватанимиз юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. Яқинда Мудофаа вазирлигида ана шу олий мукофотларни соҳибларига топшириш маросими бўлди.

Тadbир бошланишидан бир оз олдин борганим учун эгинга парад либосини кийинган мукофот эгаларини кузатаман. Бир оз ҳаяжон, энтикниш уларнинг лиғоҳлари, хатти-ҳаракатларидан билиниб турарди. Манз, масалан олдинги қаторда ўтирган оддий аскарни олайлик. Уни унутилмас кун билан қутлашга отаси-онаси, ҳатто бобоси келган. Бугуннинг ҳақиқий қаҳрамони бўлган бу ўғлоннинг ҳаяжонини ҳам тушунса бўлади. Хуллас, кимнингдир рафиқаси, кимнингдир яқинлари, дўстлари келган бу қутлуғ кун билан қутлашга.

Ватан мукофотларини топшириш маросимини кйриш сўзи билан очар экан, Мудофаа вазири Қодир Ғуломов жумладан, шундай деди: — Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган азиз ҳарбийлар, Мен бугун сизларга Президентимиз Ислоҳ Каримов номидан бу мукофотларни топшираётганимдан беҳад мамнунман. Ушбу орден, медаллар Ватан, мустақиллик ҳимояси йўлидаги машаққатли хизматларингиз, жанговар шайлиқни ошириш йўлида кўрсатган жонбозликларингизга берилган муносиб рағбатдир. Ватан ҳар биримизнинг қадрдон гўшамиз, уйимиз, ота-онамиз, ёру-биродаримиз. Аввало шу учун унинг ҳимояси муқаддас. Таъкидлаш жоизки, ҳарбий хизматчиларимизнинг жанговар ҳаёти онласидаги муҳит билан чамбарчас боғлиқ. Фурсатдан фойдаланиб,

(Давоми 7-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Р. И. ХОЛМУРОДОВНИ САМАРҚАНД
ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ
ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:
Рустам Ибрагимович Холмуродов Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
2003 йил 16 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ш. М. МИРЗИЕВНИ САМАРҚАНД
ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ
ВАЗИФАСИДАН
ОЗОД ҚИЛИШ ТУҒРИСИДА

Шавкат Миромонович Мирзиёев бошқаришга ўтганлиги муносабати билан Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
2003 йил 16 декабрь.

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ РЕЖЕП ЭРДОҒАННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Эрдоган шу йил 18—20 декабрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонга бўлади.
Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу маънода, Шавкат Мирзиёев ҳақида гапирадиган бўлса, сизлар яхши биласизки, дастлаб у Тошкент шаҳрида бир неча йил туман ҳокими вазифасини бажарди. Кейин эса Жиззах вилоятининг биринчи раҳбари лавозимига ҳам фаол иш олиб борди. Мирзиёев билан Жиззахда бирга меҳнат қилган одамлар унинг вилоят миқёсида катта-катта ишларга бош-қош бўлганини ҳали-бери яхши эслайди.

Кейинги икки йил давомида у Самарқанд вилоятини бошқариб келди ва шу қисқа давр ичида воҳа ҳаётида — нафақат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида, балки одамлар билан тил топишиш, эл-юртнинг кўнглига етиб бориш ва уларнинг бошини қовуштиришда, кўп-кўп ижобий бунёдкорлик ишларини — бу қурилиш ёки ободончилик, тиббиёт ёки таълим соҳаси бўладими — умуман, халқнинг кайфиятига ижобий таъсир қиладиган ишларни амалга оширишда Самарқанд аҳли унинг раҳбарлигида катта ютуқларга эришди.

Биргина қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсан, бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, вилоят меҳнатнашлари қаттиқ меҳнат қилиб, пахта ва галла бўйича шартнома режаларини бажаришга эришганини айтиш кифоя, деб таъкидлади Президентимиз.

Бундай жиддий ўзгаришларини бошқа жабҳаларда, жумладан, иқтисодий соҳа ривожига ҳам кузатиш мумкин. Мисол учун, сўнгги пайтда аҳоли турмуш шароитини яхшилашнинг асоси бўлган табиий газ ва ичимлик суви таъминоти масаласида салмоқли натижалар қўлга киритилди. Охириги икки йил мобайнида 800 километрда эиё газ тармоғи тортилиб, 100 дан ортиқ қишлоқ табиий газ билан, шунингдек, қарийб 400 километрлик сув тармоғи барпо этилиб, 115 та қишлоқ тоза ичимлик суви билан таъминлангани бунинг амалий тасдиғи бўла олади.

Шулар қаторида вилоят шаҳар ва қишлоқларида 90 та маҳалла гузарни, 31 та қишлоқ-врачлик пункти, 6 та ихтисослашган шифохона, 880 минг квадрат метр уй-жой қурилгани, ўнлаб янги мактаб, лицей-колледжлар, маданий-маиший ва спорт иншоотлари барпо этилгани ҳам бу ерда кейинги йилларда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини кўрсатади.

Нафақат Самарқанд шаҳри, балки бугун вилоят кенгаши ўзгаришиб юборган бундай қурилиш ва ободончилик ишлари ҳақида узоқ гапириб мумкин.

Албатта, бундай улкан ишларини ва режаларини амалга оширишда аввало шу юртнинг ватанпарварлари, фидойилари, бутун Самарқанд элининг хизмати ва меҳнати борлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Ленин буларнинг барчасини бошқариш, одамларни катта марраларга, керак бўлса, зафарларга чорлаш, уларни ўз кучи ва қудратига ишонтириш — бу ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келмайди, десам, бу ҳам ҳақиқат.

Шунинг учун ҳам ишга муносабати, ташкилотчилик қобилияти билан ўзини кўрсатган Шавкат Мирзиёев номзодини Бош вазир лавозимига таклиф қилдик ва Олий Мажлисимиз сессияси бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Вилоятнинг янги раҳбарини тайинлаш ҳақида гапирганда, деди давлатимиз раҳбари, аввало, шуни айтиш керакки, Самарқанд аҳли — бу туман ёки вилоят маркази бўладими, узоқ ва ченка қишлоқлар бўладими — бугун ҳамма жойда катта, баланд руҳ билан меҳнат қилмоқда. Вилоят меҳнатнашларининг иқтисодиётини юксалтириш, ўз маҳалласи, ўз юртини янада обод қилиш мақсадида янги-янги уфқларга интилиб, улкан ишларни амалга ошираётганини бутун Ўзбекистон кўриб турибди, десак, асло хато бўлмайди.

Янги раҳбарга биринчи талаб шуки, у одамлардаги мана шундай кўтаринки руҳни, катта ишларга бел боғлаган Самарқанд аҳлининг орзу-интилишлари ва азму-шижоатини сўндирмасдан, намайтирмасдан, шу элга етакчи бўлиб, бош-қош бўлиб, уни янги мақсад ва марралар сари бошлаши керак.

Иккинчи талаб — вилоят раҳбари халқ ичидан чиққан, унинг табиатини яхши тушунадиган инсон бўлиши, шаҳар ва қишлоқ аҳлининг муаммоларини чуқур англаши, ёрдамга муҳтож одамларнинг дардига малҳам бўла олиши, ёшми-қаримми, эълимми, ишчимми, уларнинг интилишларига ҳамоҳанг бўлиб, ўз фаолиятини эл-юрт ҳаёти билан чамбарчас боғлаш олиши зарур.

Барчамиз шуни унутмаслигимиз лозимки, инсон фақат бугунги кун билан яшамайди. Шунинг учун ҳам бу вилоятни бошқарадиган одамга **учинчи талаб** — шу ҳақиқатни яхши англаб, авваламбор мана шу ерда ҳаёт кечирадиган халқнинг эртанги кунини, истиқболини ҳар томонлама кўзлаб иш олиб бориши даркор, деди Президентимиз.

Истиқбол деганда, биз аввало мана шу Самарқанд заминида яшаётган 2 миллион 800 мингдан зиёд аҳолининг турмуш даражасини кўтаришни, ёш авлод иқболлини ўйлаб, ёруғ келажакни

яқинлаштириш йўлида бутун борлигини сафарбар этиб, фидокорона меҳнат қилишни тушунамиз.

Истиқбол деганда, биз биринчи галда бунёдкорликни, одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишга қаратилган ишларни, айниқса, мактаб-маориф, тиббий ва коммунал хизмат, аҳолини иш билан банд қилиш, газ ва сув таъминоти каби ҳаётий муҳим масалаларни ўз вақтида ҳал этишни назарда тутамиз.

Шу билан бирга, янги-янги корхоналарни барпо этиш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни олиб келиш, сифатли ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш, саноатда замонавий технологияларни жорий этиш, кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш вазифалари ҳам бизнинг келажак режаларимизда асосий ўрин тутини лозим.

Истиқбол деганда, биз аввало қишлоқ хўжалигида янги-янги муносабатларни шакллантириш, одамларда ерга эгаллик туйғусини қарор топтириш, туپроқ унумдорлигини ошириш, соҳани замонавий техника воситалари ва юксак технология билан таъминлаш, тобора кучга кириб бораётган фермер ва деҳқон хўжалиқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу тарихда қишлоқ халқининг фаровонлигини ошириш сизгари устувор вазифаларни тасаввур қиламиз.

Бугун шиддат билан ўзгараётган замон ҳар биримиздан ўз фаолиятимизни таъқидий баҳолаб, уни тубдан ўзгартиришни, янада тақомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу борада янги раҳбар ва унинг хуусият ва фазилатлари ҳақида гапирар эканмиз, бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Шу ерда яшаётган, истиқомат қилаётган халқни янги уфқларга даъват қилиш учун янги ҳоким биринчи галда қуйи, ўрта ва юқори бўғинларда ўтирган барча раҳбар ва мутасаддилар билан тил топишиб ишлаши, оддий одамларнинг ҳурматига муносиб бўлиши айниқса муҳим. Бунинг маъноси шуки, янги раҳбар вилоятдаги катта-кичик етакчиларда — у туман ҳокимими, ширкат хўжалиги ёки ташкилот бошлиғими, бундан қатъи назар, фақат ижрочилик билан чекланиб қолмасдан, уларда ташаббускорлик ва тadbиркорлик аломатларини, изланувчанлик фазилатларини уйғотиши ва рағбатлантириши даркор.

Энг муҳими, вилоят ҳокимлигининг идорасида ҳам, туманларда ҳам ўзаро ишонч, бир-бирини тўғри тушуниш, умумий иш учун жон куйдириш руҳи устун бўлиши керак.

Аксинча, янги раҳбар ўзига ёқадиган, ўзига мос бўлган, ўзига шахсий саноқат кўрсатадиган одамларни амалга ўтказишдек номақбул кайфиятларга берилмаслиги, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик ва қабилабозлик каби иллатлардан узоқ бўлиб, кадрларни ўзгартириш масаласида жуда эҳтиёткорлик билан иш олиб бориши зарур.

Бу фикрни ургу бериб айтаётганимнинг сабаби шуки, деб қайд этди мамлакатимиз раҳбари, биз кўпгина туман ва вилоят раҳбарларини бу ҳақда огоҳлантирганлигимизга қарамасдан, бундай эски асоратлардан ҳали-бери жудо бўлмаямиз. Мен бу ҳақиқатни афсус билан таъкидлашга мажбурман.

Бу масалага тўғри, холисона ёндашиш, етти улчаб бир кесиш, ишнинг негизини билладиган, юқори малакага эга бўлган, ҳалол ва тажрибали ходимларни, мутахассисларни асраб-авайлаш, тарбиялаш керак. Содо қилиб айтганда, яхши кадрларни асрайдиган раҳбар, аввало, ўзини асрайди, муҳитнинг доимо барқарор бўлиб қолишига хизмат қилади.

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, мен вилоят ҳокими лавозимига Самарқанд давлат университети ректори вазифасида ишлаб келган Рустам Иброҳимович Холмуродов номзодини таклиф этаман.

Шу ўринда Президентимиз йиғилганлар эътиборини яна бир масалага қаратди.

Самарқанд дёнри умумбашарит цивилизациясининг Рим сингари қадимий бешиқларидан бири сифатида бутун ер юзиде тап олиниши, унинг беҳиёс табиати, кенг маънодаги унумдор замини, номлари жаҳон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган мумтоз зотларни бергани билан барчамиз чексиз фахрланамиз. Самарқанд замини Имом Бухорий ва Имом Мотуридидий, Хожа Аҳрор ва Маҳдуми Аъзам каби мусулмон оламида машҳур бўлган алломалар, азиз-авлиёларнинг хоки ётган табаррук масканлари билан ҳам муътабардир.

Соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатининг пойтахти этиб танлаган, нафақат буюк тарихий обидалари, балки Улугбек ва Али Қушчи каби улғур мутафаккирлар ўзининг дунёни ҳайратга солган ўлмас кашфиётларини яратган бу юртни бетакрор муъжиза десак, асло хато бўлмайди. Шу боис асрлар давомида маърифат зиёсини таратиб келган Самарқанддаги илму фан ўчоқлари, қадимий мадрасаларда яратилган буюк мерос ҳар бири-

мизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Самарқанд бугунги кунда ҳам ўзининг илмий кашфиёт ва ютуқлари орқали жаҳонга танилган ўнлаб олий ўқув юртлари ва илм-фан даргоҳлари билан, ўзининг истеъдодли зиёлилари, юксак салоҳиятга эга бўлган илмий жамоатчилиги билан дунёда обрў-эътибор топмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳеч шубҳасиз, вилоят ҳокимлигига номзод ҳақида гапирар эканмиз, унинг хуусият ва фазилатлари ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг мана шундай юксак маърифий ҳаёт билан ҳамоҳанг бўлиб яшашига қурбон, билими ва савияси етадиган инсон бўлиши кераклигини ҳаммамиз яхши тушунамиз, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, бу раҳбар шу тупроқда унинг-ўсган, шу заминни муқаддас деб қабул қиладиган, шу ерда яшайдиган халқнинг табиатини, феъл-атвори ва орзу-умидларини юракдан ҳис эта оладиган, шу эзгу интилишларни рўёбга чиқаришга астойдил бел боғлаган одам бўлиши зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Ишончим комилки, вилоятнинг меҳнатнаш, мард ва ориятли халқи Самарқанд заминининг катта салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш, Самарқанднинг шухратини янада юксалтириш учун бир тап, бир жон бўлиб, ўзини аямай меҳнат қилади, деди пировардида Президентимиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Ш. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига тайинлангани муносабати билан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президентимиз Ислон Каримов тасвсиясига биноан Самарқанд давлат университети ректори лавозимига ишлаб келаётган Рустам Холмуродов Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Пахтачи туманидаги А. Оллоёров номидаги ширкат хўжалиги раиси Ф. Тўхтапўлатова, Нарпай тумани ҳокими А. Жамилов, Ургут тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Х. Нуруллаев, Каттақўрғон туманидаги 2-ўрта мактаб директори О. Уроқова, «Зарафшон» наприёти директори Х. Бобомуродова ва бошқалар вилоят аҳли Президентимизнинг путқида қўйилган вазифаларни амалга ошириш, Самарқанд заминининг катта салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш, унинг шухратини янада юксалтириш учун ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишини таъкидлади.

(ЎЗА).

● ВОЕННЫЕ ПРОФЕССИОНАЛЫ

ЕГО ЖИЗНЕННАЯ ПОЗИЦИЯ

За плечами младшего сержанта Рустама Абдуллаева срочная служба и уже полтора года по контракту. За этот короткий по армейским меркам период он проявил себя как хороший специалист-сапер и умелый командир.

«Отличный профессионал, ответственный человек», — так говорят в подразделении о Рустаме. Любое дело, какое бы ему ни поручалось, он всегда выполняет с высокой точностью и пунктуальностью. Этого же требует и от своих подчиненных. Не случайно Абдуллаеву доверяют выполнение самых ответственных задач. Так было и на одном из последних тактических занятий, в ходе кото-

рого сессия младшего сержанта Р. Абдуллаева действовала в группе прорывания проходов в минно-взрывных заграждениях, установленных «противником».

«Что ж, задача знакомая, работа привычная», — такотреагировал мысленно Рустам на полученный приказ. Но расслабляться не в его правилах. Ведь обстановка на занятии была максимально приближена к боевой. Вот почему и подчиненных он настроил на оперативное и на-

чественное выполнение учебно-боевой работы.

Четко действовали бойцы его отделения. Стремление к мастерству — вот главное слабое место. Таково правило работы подчиненных младшего сержанта Р. Абдуллаева. Не подвели саперы своего командира и на этот раз. Проверяющий офицер в ходе разбора отметил, что их мастерство значительно возросло за последнее время. А подает во всем пример воинам их командир.

— Считаю, что командир

подразделения должен быть всегда и во всем первым: на занятиях в классе и в поле, на дистанции кросса и на огневом рубеже, он всегда обязан быть на ступень выше других. Тогда и с подчиненных можно требовать, — говорит Рустам. — Такому отношению научил меня старший лейтенант Козим Шокиров. И я благодарен ему за это...

Это и есть жизненная позиция младшего сержанта. Именно она и позволила Рустаму добиться высоких по-

казателей в службе, помогла стать одним из лучших командиров сессии, занять передовой рубеж среди военнослужащих по контракту. Сегодня Рустам пользуется высоким авторитетом, уважительным отношением со стороны сослуживцев. В трудную минуту к младшему командиру идут за советом, с просьбой о помощи, а иногда и просто с желанием поделиться новостью, полученной из дома.

Стартовал новый учебный год. И своих позиций сдавать младший сержант по контракту Р. Абдуллаев не намерен. Это его принцип.

Лейтенант Хасан МИРЗАЕВ, корр. «Ватанпарвара».

ЮРТНИНГ САРА УҒЛОНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

машаққатли хизмат юнги елкадош бўлган ҳарбийларимиз рафиқаларига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Мана биринчи қаторда «Жасорат» медали соҳиби оддий аскар Хусановнинг бобоси Нормурод ота ўтирибди. Кўрагини беэаб турган ишонлар бу нуруний инсоннинг мардлиги, жасоратидан. Шундай йигитларни тарбиялаб, вояга етказгани эса олижаноблигининг яна бир қирраси. Шу ўринда бундай мард йигитларни камолга етказган ота-оналарга миннатдорчилик билдираман. Ишончим комилки, давлатимизнинг бу юксак мукофотлари кучингизга—куч, ғайратингизга—ғайрат қўшиб, янги марралар сари элтади.

Шундан сўнг Мудофаа вазири бир гуруҳ ҳарбийларимизга Ватанининг олий мукофотларини тантанали равишда топширди.

Маълумки, истиқлолнинг 12 йиллиги олдидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши қарори билан шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Алишер Мирзакаримов «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишони билан тақдирланган эди. Ҳаракат марказий кенгаши раисининг ўринбосари Анвар Бозоров юрт ҳимоячисига бу нишонни тантана билан топширди.

Қашқадарёнинг Яққабогидан аскар невараси Баҳодиржоннинг бу қутлуғ кунига шерик бўлиш учун келган саксондан ошган Нормурод бобо сўзга чиқди.

Ўзимизнинг генералларни, ўзимизнинг офицер, сержантларни кўриб қойил қолайман. Неварамга ҳарбийдан таълим бериб, етук аскар қилиб тарбиялаган шуларда. Бир оз қувватим кетган бўлса ҳам, йўлга тушдим. Баҳодирнинг командирларига раҳмат айтаман, деб келдим.

Бобонинг содда, самимий сўзлари юракдан чиқётган эди. Агар унинг кўнглига қулоқ тусангиз, айтадиган гаплари кўп. Қўйиб берсангиз, у ўзининг содда сўзлари билан миллий армиямизнинг шаклланиб бораётганидан, неварасига ўшаган юзлаб, минглаб аял ўғлонлар, аёл посбонлар етишиб чиқётганидан, бундай овоз, ҳур замонларни кўрганидан гапирса.

Тантанадан сўнг мукофотланганларни суҳбатга тортамиз. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти, «Жасорат» медали соҳиби Воҳиджон АЛИМОВ:

— Тоғ-ўқчилар қисмида катта ўқчи вазифасида хизмат қилиб келаяпман. Замоनावий армиянинг талаби — профессионаллашувдир. Шартнома асосида хизмат қилаётганимга атғи 3 йил бўлса-да, аввал мuddатли хизматда чиниққанам боис соҳани пухта эга-

Унинг жисмоний жиҳатлари, билими, соғлиги дейсизми, барини обдон текширишди. Ўзим, «Армияга кетаман» деб қалб амри билан отилиб чиқишимни ўзи намлик қиларкан. Лекин Баҳодирга айтдим: «армияга яроқсиз экан, деган хулосага келишмаса эди, дея роса ҳаяжонландим. Энди хизматни ўтаётганимга ортиндан чопиб юрмай. Фақат бобонгдек орден-медаллар олсанг, изиндан учиб берамиз», дедим. Буни қа-

фаа вазири номидан уюштирилган ранг-баранг маданий-маърифий, кўнгилочар дастурлар кутаётгани. Биз ҳам уларга қўшилдик. Нўл-йўлакай суҳбатлашамиз, таассуротларини-да ёзиб оламиз.

Дастлаб Ўзбекистон давлат тарих музейига йўл олдим. Тошкент бўйлаб автобусда кетиб борар эканмиз, Куролли Кучлар Марказий музейи илмий ходими Дилором Раҳимова диққатга сазовор жойлар тарихи-



лашим осон кечмоқда. Бу мукофот эса Ватан ҳимояси йўлида янада шижоат, қатъият кўрсатишни, ислохотлар талабларини оғишмай бажаришда масъулиятни юклайди.

Оддий аскар Баҳодир Хусановнинг ота-оналари билан дийдорлашаётган лаҳзаларни сураткашимиз фотопленкага муҳрлаб қўйдим. Мен эса бу ҳаяжонли лаҳзаларда уларнинг дил сўзларини ёзиб олишга ҳаракат қилдим.

Ғани ака Хусанов: — Очиғини айтсам, мухбир ана, ўғлим то армияга кетгунча роса терга ботдим.

ранг, Ватанга садоқати учун шундай юксак мукофотга сазовор бўлиб турбди. Уғлимдан мингданминг розиман, у билан фахрланаман.

Ҳалима опа Хусанова: — Бошим осмонга етди. Мен энг бахтли оналардан бириман. Ҳарбийликни давом эттираман, деярли. Ватан ҳимояси йўлида хизмати керак экан, оқ фотиҳа бераман.

Тўғриси, мукофотланганлар билан бафуржа суҳбатлаша олмадик. Сабоби, юртнинг бу сара ўғлонлари, уларнинг яқинларини Мудо-

дан бир-бир сўзлаб берди. Ниҳоят музейга етиб келдик. Музей заллари бўйлаб мукофотланган ҳарбийларимиз, уларнинг онла аъзолари белгиланган вақтдан ҳам узоқ сайр қилишди. Ахир, бу ерда ибтидоий даврдан то бугунги кунгача бўлган тарихимиз мужассам-да. Поллолит, мезолит, бронза даври дейсизми, антик, ўрта асрлар даври дейсизми — бари-бари ҳақида экспонатлар мавжуд. Оқдўрғондан топилган 70 килолик совут ёки қадимги жанг куроллари кўнглини эътиборини тортди. Ҳатто Нормурод

бобо ҳам кенсайиб қолган бўлса-да, голиқин билмай экспонатларни бир-бир томоша қилди. «Ҳарбийларимиз ўтмишимизни, буюк аجدларини яхши билишса, Ватани янада кўпроқ севишади. Мудофаа вазирлигига раҳмат, шундай тadbирни уюштиргани учун» деди жумладан бобо.

— Хўш, таассуротлар қандай? — дея сўраймиз «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишони соҳиби шартнома бўйича хизмат кичик сержанти А. Мирзакаримовнинг рафиқаси Продахон Хонпулатовдан.

— Аввало шундай мард, жасур турмуш ўрғоним борлигидан фахрланаман. Музейдан эса Ватанимни қайта кашф этгандек таассурот билан чиқайман, — деди у.

Тиббий хизмат подполковниги, Қарши госпиталининг жарроҳлик бўлими бошлиги Жаҳонгир Собиров «Жасорат» медали билан тақдирланди. Музейдан чиққач, у қисқача суҳбатда шундай деди:

— Камтарона хизматим шундай юксак мукофотга муносиб топилгани менга янада масъулият юклайди. Бу ишонччи оқлаб, тез орада номзодлик диссертациями ёқлаб, ҳарбий тиббиётимиз тараққиёти учун бор билимим, кучимни сарфлайман.

Жаҳонгир аканинг рафиқаси Моҳира опа ҳам тиббиёт ходими. У Қарши тиббиёт коллежидан катта ўқитувчи вазифасида. Суҳбатимизга у қуйидагиларни қўшимча қилди:

— Давлатимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлганлари мени янада ғурурлантирмоқда. Ўйлайманки, бундайин юксак эътибор Жаҳонгир аканинг кучларига—куч қўшиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида янги-янги эзгу ишларга чорлайди.

Мукофот соҳиблари телемишорига пойтахтнинг бошқа кўнлаб диққатга сазовор жойларига сайр қилишди, маданий ҳордиқ чиқаришди. Улар учун бу кун ҳақиқий байрам, шодифна бўлди.

Юртнинг сара ўғлонлари ўз қадрдон ҳарбий жамоаларига қайтишади. Давлатимизнинг юксак мукофоти, юксак эътибори уларни Ватан ҳимояси йўлидаги янги-янги улугвор ишларга чорлайди.

Қаштан Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири, Александр МРУЧАК олган суратлар.

● ОММАВИЙ БАТАНПАРВАРЛИК ТАДБИРЛАРИ ОПЛИГИДА

ПУХТА РЕЖА САМАРА КЕЛТИРАДИ

Яқинда Офицерлар марказий уйида оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги доирасида қилиниши лозим бўлган ишлар режалари тегишли давлат, жамоат ташкилотлари масъул ходимлари томонидан ўтган йиллар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда яна бир бор ойдишлатириб олинди.

Маълумки, ойлик давомида ҳарбий округларимизда—

Ватан ҳимоячилари ҳузурда турли маданий-маърифий учрашувлар, тадбирлар, таниқли санъаткорлар, эстрада юлдузлари чиқишлари ташкил этилади. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда бу борада давлат, жамоат ташкилотлари Мудофаа вазирлиги билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаяпти. Бу эса халқ ва армия яқдиллиги тамойи-

лини янада мустаҳкамламоқда.

Йигилишда Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Машиножон Аҳмедов, Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Фаррух Зокиров, «Маҳалла» жамоармаси раисининг ўринбосари Садриддин Ҳасанов ва бошқа давлат, жамоат ташкилотларидан масъул ходимлар широк этишиб, ўз фикрларини, таклифларини билдиришди. Ҳа, пухта қилиб олинган режалар тадбирларнинг самарали ўтишини таъмин этади.

Капитан И. ҚУРБОНОВ.

Табиатнинг рангин буюқлари

Ўзбекистон Бадий академиясининг Замонавий санъат марказида рангтаъсир ва сувбўёқ устаси Мир Ҳегайнинг шахсий кўргазмаси очилди.

— Кўргазмада табиат ва унинг ўзига хослигига бағишланган олтишдан зиёд акварель ва рангтаъсир

асарлари ўрин олган. — дейди санъатшунос Севара Нўлдошева. — «Эрта баҳор», «Баҳор», «Гуллаш», «Сонинли», «Тоғда баҳор», «Эрта тоғ» асарлари шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, табиат ва инсон мавзуси мўйқа-

лам соҳибларини ҳеч қачон бефарқ қолдирмаган. Чунки, она табиат, уни асраш ҳамisha долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Табиат гўзаллигини асраш, унинг қадрига етишни мўйқалам соҳиблари ўз асарлари орқали инсонлар қалбига синдиришга интиладилар. Зеро, табиат ва унинг беқиёс гўзалликлари келажак авлодларга етиб бориши лозим.

Лазоқат МАМАТҚУЛОВА.

● 18 ДЕКАБРЬ — ХАЛҚАРО МИГРАНТЛАР КУНИ

ВАТАНИДАН АЙРО ТУШМАСИН

Бундан ролла-роса 13 йил муқаддам, яъни 1990 йилнинг 18 декабрида мигрантлар ва уларнинг онла аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция қабул қилинди. Орадан ўн йил ўтиб, аниқроғи 2000 йилнинг 4 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси 55/93 резолюция билан мазкур санини қабул қилди.

БМТнинг ҳисоб-китоблари қараганда, 130 миллионга яқин киши туғилиб ўсган жойидан ташқарида яшайди. Келинг, шу ўринда мигрантлар масаласи билан шугулланадиган халқаро ташкилот фаолиятига қисқача назар ташласан. Халқаро мигрантлар ташкилотига 1951 йилда асос солинган. Ташкилотнинг ўтган йилги бюджетини 398,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан 338,5 миллиони мигрантлар муаммолари бўйича туғли едарақиларни амалга оширишга йўналтирилган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз. Ҳозирги кунгача мазкур халқаро ташкилотга 93 та мамлакат аъзо, 33 та мамлакат эса кузатувчи мақомига эга. Халқаро мигрантлар ташкилотининг юзга яқин

мамлакатда 158 та дала миссияси мавжуд. Албатта мигрантлар турли даражада бўлиши мумкин. Масалан, можаролар, қуролли туқнашувлардан азият чекиб ёки табиий офатлардан зарар кўриб мигрант бўлганларни, иш излаб ёки Ватанини тўлиқ тарқ этиш мақсадидаги мигрантларни санаб ўтиш мумкин. Ташкилот ҳозиргача ана шундай тоифадаги мигрантларнинг 11 миллионидан зиёд роғига ёрдам берган. Айниқса, қуролли можаролар бўлаётган жойларда мазкур ташкилотнинг ўрни беқиёс. Дейлик, 1990 йилда 300 мингга яқин афгонинг ўз юрғига қайтишига Халқаро мигрантлар ташкилоти кўмаклашган. Руанда ва Заир мигрантларининг 1,5 миллионига ташкилот ёрдами теккан бўлса, 1999 йилда 31 мамлакатдан Косового мигрантлар қайтишида аҳамияти беқиёс бўлган.

Аввало ҳеч ким ўз Ватанидан айро тушмасин. Ҳар қандай ёрдам, қўллаб-қувватлаш ҳам юрт соғинчи эзатган кўнгилга малҳам бўлмайди.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ,

МОЦАРТ ВА БАХ ОРҚАЛИ ҲАМЕНГА

Ресторан соҳиблари ўз минорларидан катта миқдордаги музика ундирини учун...

ХАНДАЛАР

— Дадажон, кечқурун машинани ҳайдасам майлими? — Уғлим, оёқ сенга ўзи...

СЕҲРЛИ 9 РАҚАМИ

Киз Инл лотерея ўйинида катташол, каттагина «кучук» эга бўлган. Умри мобайнида...

ҚУШЛАР ОДАМЗОДАН АҚЛЛИМИ?

«Нью сайнест» журналида айтилишича, баъзи қушларнинг жигар, буйрак ва бошқа ички аъзолари узоқ...

ИНТЕРНЕТ-МОЗАЙКА

ОДНИМ ПИРОГОМ — 20 ТЫСЯЧ...

В книгу рекордов Гиннеса ушқилко достижение востаниских худиларов — гигантский пирог «баньчын».

СВЕРХМОЩНЫЙ КОМПЬЮТЕР...

из 2 тыс. серверов, которые работают параллельно. Суперкомпьютер имеет беспрецедентные возможности для решения сложнейших информационных и аналитических задач.

ИСТОРИЯ С ГЕОГРАФИЕЙ

Адресат в моравском городе Простеве получил письмо, посланное из Лос-Анджелеса... 20 лет назад.

ХАНДАЛАР

— Дадажон, кечқурун машинани ҳайдасам майлими? — Уғлим, оёқ сенга ўзи...

22 ДЕКАБРЯ

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 «Тахлинома» 8.50 «Зумрад шаҳар Шаҳрисабз» 9.10 Қадим қурғонлари» 9.30 «Маком дунеси» 10.00, 12.00, 14.00, 18.00

22-28 ДЕКАБРЯ

- 17.20 «И это кино» 17.45 «Экран — детам» 17.55 «Международные новости» 18.00, 20.50 «Экспресс» 18.10 «Мелодия для вас» 18.30, 20.00, 20.35, 22.00

22-28 ДЕКАБРЯ

- 1.00 «История о привидениях» 1.30 «Паук» 1.30 «Чудеса кино» 4.00 «История о привидениях» 6.00 Утро на ИТВ» 8.50 «Растительная жизнь»

ИСТОРИЯ С ГЕОГРАФИЕЙ

Адресат в моравском городе Простеве получил письмо, посланное из Лос-Анджелеса... 20 лет назад.

ХАНДАЛАР

— Дадажон, кечқурун машинани ҳайдасам майлими? — Уғлим, оёқ сенга ўзи...

22 ДЕКАБРЯ

